

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГЛОБАЛ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ**
Халқаро илмий конференция
9 апрел 2015 й.

**СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ НАУЧНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ
В СИСТЕМЕ ГЛОБАЛЬНОГО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**
Международная научная конференция
9 апреля 2015 г.

**MODERN METHODS OF SCIENTIFIC RESEARCH IN SYSTEM
OF GLOBAL HIGHER EDUCATION**
International scientific conference
9th April 2015 y.

$$\mu^{NC}(u) = \begin{cases} 0.5 + 0.5u, & u \in [0,1) \\ 1.5 - 0.5u, & u \in [1,2) \\ 1 - 0.25u, & u \in [2,4] \end{cases} \quad \mu^{BC}(u) = \begin{cases} 0.25u, & u \in [0,2) \\ 0.5u - 0.5, & u \in [2,3) \\ 2.5 - 0.5u, & u \in [3,4] \end{cases}$$

$$\mu^R(u) = \begin{cases} \frac{1}{6}u, & u \in [0,3) \\ 0.5u - 1, & u \in [3,4] \end{cases}$$

Для настройки указанных функции принадлежности на экспериментальные данные можно использовать операцию возведения в степень: $\mu(u) = [\mu(u)]^k$, где k - показатель степени, определяющий изменение формы функции. При $k > 1$ функция принадлежности сжимается, причем степень сжатия увеличивается с ростом k , при $0 < k < 1$ функция принадлежности растягивается и может стремиться к 1 при $k \rightarrow 0$. В пределах исследования сжатие функций принадлежности не использовалось, т.е. принималось значение $k = 1$. В случае качественных оценок входных параметров, в нашем случае факторов учебно-познавательной деятельности, функции принадлежности, используемые при прогнозировании, определяются на дискретных универсальных множествах. В качестве таких множеств принимаются множества вида $U = (0, 1, 2, \dots, l-1)$, где l - количество используемых нечетких термов [2]. В случае лингвистической оценки факторов учебной познавательной деятельности используются 5 нечетких термов, следовательно, $U = (0, 1, 2, 3, 4)$. К основному недостатку нечетких алгоритмов следует отнести сложность построения логических высказываний и обусловленную этим малую понятность готового алгоритма, а также большое количество ошибок возникающих при построении алгоритма.

Литература

1. Кофман А. Введение в теорию нечетких множеств. - М.: Радио и связь. - 1982. - 432 с.
2. Ротштейн А.П. Медицинская диагностика на нечеткой логике. - Винница: Котинент-ПРИМ. - 1996. - 132 с.
3. Ротштейн А.П. Интеллектуальные технологии идентификации: нечеткие множества, генетические алгоритмы, нейронные сети. - Винница: Изд-во «УНИВЕРСУМ-Винниця». 1999. - 320 с.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ СИФАТИНИ ЯНГИЛАШ ИСТИКБОЛЛАРИ

Тажлев М., Гаимназаров О.Г., Душабоев О.Н., Олий ва ўрта махсус, касб-хунаар таълимини ривожлантириш маркази

ANNOTATION

The article discusses the ideal education of youth, the content and structure of organized education in the modern higher education.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается идеальное воспитание молодежи, содержание и организованный состав образования в системе высшего образования.

Таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги ислохатлари ўрганилиб ва таҳлил қилиниб, унга биноан таълимнинг мақсади, вазифаси ва ўлчови хулосаларининг ўзаро узвийлигини уларнинг муносабалигига қараб олиб борилди.

Олий таълим тизимини ислох қилиш ва унинг олдига турган глобал вазифаларнинг ҳал қилинишида ишлаб чиқилаётган тадбир-чоралар, ечимини қутаётган муаммолар, олий таълим тизиминининг таҳлили, вазифалари, мақсадларини ўрганиш ва керакли тавсиялар яратишга қаратилган бўлиб, таълим соҳаси билан шугулланувчи барча муассасаларнинг ҳозирги кундаги асосий қийинчиликлари, таълимни бошқариш, молиялаштиришни ташкил этиш, таълим сифатини юқори даражага кўтариш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш каби масалаларни ҳал қилинишига қаратилган муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ечимини топиш нуфузли таълим тизимини яратиш имкониятини беради.

Тахлилий натижаларига кўра, олий таълим муассасаларининг кейинги йилларда сезиларли даражада кенгаётганлиги ва талабалар сонининг кейинги 10 йил давомида ўсиб бораётганлиги нафакат ижобий, аксинча салбий натижаларни ҳам келтириб чиқарганлиги кузатилмоқда.

Таълим тизимининг модернизацияси ижтимоий иқтисодий муаммолардан ажралган ҳолда, тармоқ муаммоси сифатида қаралиши керак эмас.

Таълим соҳасида ҳозирча ўз жавобини етарли даражада ҳал қила олмаган муаммоларидан бири, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув тизими томонидан олий таълим муассасалари томонидан баъзи мутахассислар бўйича етарли кадрлар тайёрлаб берилаётганга қарамай уларга бўлган талаб ҳозиргача иш бевуқчилар томонидан юқори эканлиги кузатилмоқда. Аммо, кўриб ўтилаётган муаммолар аввалдан мавжуд бўлиб, муаммонинг марказида мутахассислик ҳақида тушунча эмас, балки; мутахассис тайёрлашнинг техникаси, мутахассис тайёрлашнинг сифати ётади.

Тахлиллар натижасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш тармоқларида иқтисодчилар билан менежерларга "харидорлар" томонидан талабни ортиб бораётганлиги аниқланган. Аммо шунга қарамай бу касблар бўйича мутахассис тайёрлаш усулларини такомиллаштириш қарақлиги ва айнан мутахассис тайёрлаш техникасини такомиллаштиришга бўлган талаб тушинилади ва амалиётнинг тахлили кўрсатадики: Биринчидан -ҳар йили янги мутахассисликлар пайдо бўлаётганлиги сабабли олий таълим муассасалари ўз-ўзидан уларни зудлик билан камраб олишга ёки олдинда юриш имкониятига эга эмас. Иккинчидан – ҳозирги замон ва меҳнат бозорининг талабига бўйнон интеллектуал салоҳиятга эга ҳар 5 йилда ўз касбини ўзгартириши жакон тажрибасида ижобий баҳоланади. Учинчидан – статистик маълумотларни меҳнат фаолиятининг ўсиши (карьерга) нисбатан олиб қаралганда ўсиш даражасидаги мувофақияти дипломлаги мутахассислигига аскарят қолларда тўғри келмайди. Бу билан ҳулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, таълим муассасаси кадрни тайёр мутахассис шаклида тайёрлаб бера олмайди, улар иш жойларида апробациядан, амалиёт тажрибаларидан, ўтганларидан кейин шаклланади ва шахснинг ўзини намоён қилиши ва ўзи ёқтирган касбда фаолият юритиб маълум юксакликларга эришгани кўрилади.

Демак, таълим соҳасидаги бутунги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб изчил чора-тадбирлар қўлланилишини ва таълим тизимини меҳнат бозари конъюктурасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тубдан ўзгартириш керак бўлади.

Тахлилий материалларга таяниб шунга таъкидлаш жоизки, замонавий олий таълим тизими ёшларни мафқуравий тарбиялашга, таълим мазмуни ва ташкилий тузилишига қаратилган бўлиши керак. Етуқ мутахассисни таълим муассасалари тарбиялаб бера олмайди, етуқ мутахассис даражасига эришиш учун битирувчи маълум амалиёт даврини, апробация босқичларини ўтгандан сўнггина эришади. Бу ўринда олий таълим муассасаларида ўқиниш давридаёқ меҳнат фаолиятини бошлаб юборган талабаларни алоҳида ҳисобга олиш керак. Чунки улар ҳар хил давлат ва нодавлат ташкилотларида ишлаб, амалиётдаги фаолиятини ўзини дастурлари билан солиштириш имкониятга эгалар, натижада талаба ўқитилаётган фанлар мажмуасидан, фан дастурларидан айрим қолларда қониқиб ҳосил қилмайди ва дастурларга ўзгартиришлар киритиш керак деб ҳисоблайди. Ўз навбатида олий таълим муассасалари ўқитувчиларига ноқулайликлар яратиши ҳам мумкин, чунки эркин бозор муносабатлари даврида ҳар хил мулкчиликка эга бўлган корхоналарнинг ўз қизиқишларидан келиб чиқиб олиб бораётган фаолият доирасини фан дастурларида камраб олиш қийин ва мақсадга ҳам мувофиқ эмас.

Шу билан биргаликда таълим тизимини такомиллаштириш таълимнинг узвийлигига яъни, мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаси, умумий ахборот воситалари, масофавий таълим олишни ҳам қўшиб қараган ҳолда бир бутун шаклда тараккий ёқтирилиши керак. Ёшларнинг бугунги олган билимлари уларга 10-15 йилдан кейин меҳнат фаолиятини актив ҳолда олиб боришлари учун хизмат қилиши керак бўлади. Чунки улар ўша даврга ҳос бўлган техник жиҳозларни ишлатиш, бошқарув муаммоларини ҳал қилиш ва янгиликлар ишлаб чиқишлари кўзда тутилади.

Бир томондан фан соҳасини, иккинчи томондан таълим соҳасини қайта қуриш яратилаётган инновацион жараённинг қудратини таъминлайди. Натижада республиканинг глобал жишаслашув ва рақобатбардошли стратегиясига ўз таъсири ўтказлади. Бошқача қилиб айтиладиган бўлса, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни келажак миллий инновацион тизимнинг белгиловчи элементи сифатида режалаштириш ва қайта қуриш керак. Яна бошқа диққатга сазавор кўрсаткичлардан магистратура ҳисобланади ва унинг зиммасига **“ишлаб чиқарувчилар”** синфини яратиш юклатилаган. Улар янги авл. **“инженер-техникларини, бошқарув ва ижтимоий маданий”** соҳа кадрларини инновацион йўл орқали тайёрлаб беришга қаратилган. Ўрта ва пастки босқич тизими эса, умумий **“харидорлар”** ва инновацияни **“истъмол қилувчилар”** синфини шакллантиришга қаратилган бўлиб бу муаммони улар барча соҳалар ва йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўли орқали амалга оширатилар.

Шунинг учун таълим соҳасидаги ҳар қандай ислохатларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқ лозим. Ҳар қандай ечимни қабул қилишга шонилмай ёндошиб, келажакда ўзимизнинг инновацион қайта тикланишдаги йўлимизни беркитиб қўймасликка ҳаракат қилмоқлари даркор. Биз ўзимизга келажакда таълимни ислоҳ қилишга қаратилган инновацион оқимдан таълим тизимининг айрим соҳаларини ёки бутунлайгина узиб қўядиган қарорлар қабул қилишга эҳтиёткорлик билан ёндошишимиз керак.

Юқори даражада ривожланиб бораётган жаҳондаги ислохатлар ичйда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохатлар ҳам бекиёсдир. Унинг бажараётган миссияси барча давлатларда бир хил мавқега эга ҳамда барча давлатлар учун ошқорлик руҳи билан бойитилган. Унинг бажараётган вазифалари қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топган:

- Билишга ўргатиш, яъни билиш қобилиятини шакллантириш;
- Ҳамжихатлик асосларини ўргатиш, яъни ҳамкорлик ва биргаликда фаолият юритиш қонунчилигини ўзлаштириш;
- Ҳаракат қилишга ўргатиш, яъни ҳаракат қилиш сабоғига ўргатиш;
- Ўзлигини идрок қилишга ўргатиш, яъни **дунёвий тафаккурни** шакллантириш усулларига ўргатиш.

Олий таълим муассасаларининг фаолиятларида таълим соҳаси билан истеъмолчи ўртасидаги боғлиқлик етарли даражада йўлга қўйилгани йўқ. Ҳалигача битирувчиларнинг ишта ёланганлиги, ўз мутахассисликлари бўйича меҳнат бозоридаги фаолиятлари, истеъмолчиларни кадрларга бўлган талаб ва тақлифлари асосида харидор учун керакли мутахассисни тайёрлаш борасида, Давлат таълим стандартларига ва фан дабтурларига ўзгартишлар киритил мақсадга мувофиқ. Таълим соҳасининг долзарб муаммоларидан бири, бу ўзи етиштириб берган маҳсулотга бўлган эҳтиёжни ўрганиш бўйича қайта алоқани ўрнатиши лозим.

Харидор билан таълим тизими ишлаб чиқарувчиси орасидаги боғлиқлик таълим стандартларини бозор талабига жавоб берадиган мазмунда ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилиши лозим. Бунинг учун экспертиза ишларини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва иш берувчиларни кўпроқ экспертиза ишларига жалб қилиш керак.

Демак, ривожланган давлатлар таълим тизимлари ижобий томонлари ва миллий минтақаларни ҳисобга олган ҳолда таълимни такомиллаштиришнинг модулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ЛОЙИҲА МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Темуров С.Й., Раҳматов А., Жиззах давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

В статье обоснована необходимость использования метода проектов как средства формирования профессиональной компетенции, рассмотрены возможности индивидуализация проектных заданий и их виды.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЯНЧИ Сайдова М.	268
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЯНГИЛАНГАН МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИ ВА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРНИНГ МАЗМУНИ Салаева М.С.	270
ГЛОБАЛ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ДАВР ТАКОЗОСИДИР Салимова З.	272
ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш Сафин М.Г., Иззатуллаев З.И., Рахматова Н.Б.	274
ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ЭСТРАДАСИДА СЎЗ, МУСИКА ВА ИКРО УЙҒУНЛИГИ Сирожиддинова Д.Ю.	277
ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА БУДУЩЕГО ПРЕПОДАВАТЕЛЯ В СФЕРЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ Соатова Г.К.	281
УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА Фойдаланиладиган ўқув- дидактик материалларга қўйиладиган талаблар Соликов А.Т., Холмўминова Б.А.	283
ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ Сулаймонова Д.А.	286
О СЕМАНТИКЕ ТЮРКСКИХ ТОПОНИМОВ В КАЗАХСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ Суланов А.	288
ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР Сулпиева С.Х., Кодирова Д., Саиторов А.О., Ҳабибуллаев Б.Ш., Ҳакимов Б.	290
ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИНГ ШАҲС ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ Суяров Х.	293
ПОСТРОЕНИЯ МОДЕЛИ ОЦЕНКИ ПАРАМЕТРОВ УЧЕБНО- ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОБУЧАЕМЫХ Тавбоев С.А., Илхомова С.	295
ТАЪЛИМ ТИЗИМИ СИФАТИНИ ЯНГИЛАШ ИСТИҚБОЛЧАРИ Тажиев М., Гаимназаров О.Г., Душабоев О.Н.	297
ЛОЙИҲА МЕТОДИДАН Фойдаланиш бўлажак ўқитувчиларда қасбий компетенцияларни шакллантириш воситаси СИФАТИДА Темуров С.Й., Рахматов А.	299
ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШ Тошпулатова М.И.	302
ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИДА ПАРАНТЕЗАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ Тошхўжаева Ш.Ғ.	306
ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ Туракулова И.Х. Қурбонов А.П.	309
ОБ ИЗМЕНЕНИЯХ В ПСИХОЛОГИИ МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА Турахонов А.Э., Турахонов С.Э.	312
ГЛОБАЛ ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФАОЛИЯТИДА АҚС ЭТИШИ. Турахонов А.Э., Турахонов С.Э.	314
СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ МОЛОДЕЖИ Турдимуратова Н.А., Халилова Х.Э.	316
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш Гўйичева З.Х.	318
ПЕДАГОГИК ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ Гўракулов Х.А., Уралов Қ.Н.	321
ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ 324	